



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
«O'ZBEK GEOLOGIYA QIDIRUV» AKSIYADORLIK JAMIYATI

**BUYRUG'I**

2023 yil “ 29 ” 03 49 – son

Toshkent shahri

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги  
829-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ ва таркибий бўлинмаларида мумкин бўлган қонунбузарликлар, шу жумладан, одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида қуйидаги алоқа каналлари орқали маълумот берилиши таъминлансин:

- бевосита Жамият бошқарув раисига;
- ишонч телефон орқали -55-503-14-63;
- электрон почта орқали [info@uzgeo.uz](mailto:info@uzgeo.uz);
- телеграм бот канали орқали [@ichkinazoratbot](https://t.me/ichkinazoratbot);
- почта орқали - 100070, Тошкент ш., Яккасарой т., Бобур к., 15 уй;
- тўғридан-тўғри Ички назорат бошқармасига (тел.: 95-505-99-00);
- Жамиятнинг Одоб-ахлоқ комиссияси раисига.

2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш учун “Ўзбек геология қидирув” АЖда тузилган Ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришда қуйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисоблансин:

- Жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

- коррупцияга оид жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

- ходимларнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага қўшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

4. Ишчи гуруҳ томонидан рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик, ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш, ҳамда уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилсин.

5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совға шаклида рағбатлантирилади:

- ходимлар томонидан ўзларига нисбатан пора беришни таклиф қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилиши;

- Жамият ва унинг таркибий бўлинмаси ходими ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки пора талаб қилган шахс ҳақида берган хабари асосида ҳуқуқбузарлик фош этилиши.

6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимлар Ишчи гуруҳ ҳулосаси асосида (маълумотлар ўз тасдиғини топса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки Суднинг якуний қарори асосида) қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилсин:

а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида;

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

в) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун-базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида;

г) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса, қуйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорида;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорида.

Бунда пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматини фоизларда ҳисоблашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорнинг энг кам миқдоридан келиб чиқилади;

7. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар Ишчи гуруҳ хулосаси асосида (маълумотлар ўз тасдиғини топмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки Суднинг якуний қарори асосида) ўз тасдиғини топмаса ва ёлғон хабар дея хулоса ёки қарор қабул қилинса, кейинчалик бу каби Жамият ва унинг ходимлари обрўсизлантиришига олиб келувчи хабарлар келиб тушишини олдини олиш мақсадида:

- тасдиғини топмаган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида барча таркибий бўлинмалар кесимида тушинтириш, тарғибот ишлари амалга оширилсин;

- Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида ёлғон хабар берган Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларига нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилсин.

8. “Ўзбек геология қидирув” АЖ тизимида қонунбузарликлар ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимдан тушириш, камситиш, таъқиб қилиш каби тазйиқларга йўл қўйилмасин ва тақдим этилган маълумотлар бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга уларнинг розилигисиз ошкор қилинмаслиги Ишчи гуруҳ томонидан таъминлансин.

9. Кадрлар ва уларнинг малакасини ошириш бўлими (Умаров) мазкур буйруқ билан барча ходимларни таништириш, Девонхона мудирини (Жабборова) ушбу буйруқ “Ўзбек геология қидирув” АЖ таркибий бўлинмаларига ўз вақтида етказилишини таъминласин.

10. “Ўзбек геология қидирув” АЖ тизимида қонунбузарликлар ҳақида виждонан хабар берган ходимлар шахси ошкор этилмаслиги маълумотни қабул қилган маъсул шахс зиммасига юклатилади.

11. “Ўзбек геология қидирув” АЖ тизимида қонунбузарликлар ҳақида виждонан хабар берган ходимлар шахси ошкор бўлиб қолган ҳолда маълумотни қабул қилиш ва баҳолашга жалб этилган раҳбар ва ходимлар амалдаги қонунчилик доирасида жавобгарликга тортилади.

12. Мазкур буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раис

Ш.П. Алимов

**Кирилди:**

Коррупцияга қарши ички назорат  
бўлим бошлиғи



Қ.Н.Мажидов

**Келишилди:**

Капитал таъмирлаш ва умумий масалалар  
Бўйича департамен директори



Ё.Ш.Закиров

Бошқарув раиси ўринбосари-  
бош геолог



Э.Х.Эргашев

Бошқарув раиси ўринбосари-  
бош муҳандис



Ш.Э.Сиражов

Бошқарув раиси ўринбосари-  
Молиявий ишлар бўйича директор



Р.В.Раджапов

Бошқарув раиси ўринбосари-харидлар  
бўйича директор



С.О.Когай

Юридик бўлим

Кадрлар ва уларнинг малаксини ошириш  
бўлим бошлиғи



Ф.А.Умаров

**«Ўзбек геология қидирув» АЖ ва унинг таркибий бўлинмаларидаги  
коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга  
қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни  
рағбатлантириш масаласини  
кўриб чиқувчи Ишчи гуруҳ  
ТАРКИБИ**

1. Ш.П.Алимов - Бошқарув раиси, Ишчи гуруҳ раҳбари.
2. Ё.Ш.Закиров - Бошқарув раиси ўринбосари, Ишчи гуруҳ аъзоси.
3. Э.Х.Эргашев - Бошқарув раиси ўринбосари, Ишчи гуруҳ аъзоси.
4. Ш.Э.Сиражов - Бошқарув раиси ўринбосари, Ишчи гуруҳ аъзоси.
5. Р.В.Раджапов - Бошқарув раиси ўринбосари, Ишчи гуруҳ аъзоси
6. С.О.Когай - Бошқарув раиси ўринбосари, Ишчи гуруҳ аъзоси
7. Қ.Н.Мажидов - Коррупцияга қарши ички назорат бўлим бош мутахассиси, Ишчи гуруҳ аъзоси
8. \_\_\_\_\_ - Юридик бўлим бошлиғи, Ишчи гуруҳ аъзоси
9. Ф.А.Умаров - Кадрлар ва уларнинг малакасини ошириш бўлим бошлиғи

*Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда, узоқ муддатли хизмат сафаридан бўлганда, меҳнат ёки касаллиги туфайли таътилида бўлган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга тайинланган ёхуд уларнинг вазифасини вақтинча бажариши юклатилган шахслар киритилади. Шу билан бирга, коррупцияга оид маълумотлар ушбу гуруҳ аъзоларидан бирига тегишли бўлса, у вақтинчалик мазкур жараёндан четлатилади.*